
Шавкат Мирзиёев жорий ҳафтада ёшлар билан учрашади

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг бугунги брифингида Шерзод Асадов қайд этди, дея хабар бермоқда ЎзА

Президент матбуот котиби давлат раҳбарининг жорий ҳафтадаги иш жадвали ҳақида қўйидагиларни маълум қилди:

- Бугун Туркия Республикаси Вице-президенти Фуат Октай билан учрашув, мис ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ийғилиш бўлади.

Сешанба куни давлат активларини хусусийлаштириш жараёнлари, пайшанба куни узум етиштириш ва қайта ишлаш масалалари бўйича тақдимотлар ўтказилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми доирасида ёшлар билан учрашади.

Ҳафта давомида республика ҳудудларига амалий ташриф ҳам режалаштирилган. Бу ҳақда қўшимча тарзда батафсил маълумот берамиз, – деган Шерзод Асадов.

2021-06-28 19:20:46